

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2024 йил август ойининг 2 куни, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг судьяси З.Жумаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Ўроқовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Юлдошев, судланувчи Ф.Рахматуллаев ва унинг ҳимоячиси-адвокат Н.Шерқулов, вояга етмаган жабрланувчи Л.Холмуродованинг қонуний вакили Ж.Қодиров, фуқаровий даъвогарлар Ш.Ҳамроқулов, О.Рихсибеков ва Х.Тўйчиеваларнинг иштирокида, Рахматуллаев Фазлиддин Пардаевичга нисбатан 1-1801-2405/368-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Рахматуллаев Фазлиддин Пардаевич(Rahmatullaev Fazliddin Pardaevich), 1989 йил 29 ноябрь куни Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ишламайди, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Нишон тумани, “Янгиобод” МФЙ, Ойбек кўчаси, 32-уйда яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 21 июнь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Рахматуллаев Фазлиддин Пардаевич 2024 йил 29 март куни соат 17 ларда ўзининг бошқарувида бўлган Рихсибеков Отабек Муминбековичга тегишли “Нексия-1” русумли, 01 W 113 ХА давлат рақамли автомашинаси билан Қарши шаҳар “Насаф” номли автомашина бозори томондан Қарши шаҳар, Ғафур Ғулом маҳалласи ҳудудидаги А.Навоий ва Ўзбекистон овози кўчалари кесишган чорраҳага, светофорнинг қизил чироғи, сариқ чироққа ўтганида белгиланган тезликдан юқори тезликда ҳаракатланиб кириб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 31-банди 4-қисми талабларини кўпол равишда бузиб, йўлнинг А.Навоий кўчаси бўйлаб чорраҳага ҳаракатланиб кириб келган Тўйчиев Умарбек Орзи ўғли бошқарувида бўлган Тўйчиева Хуршида Орзи қизига тегишли “Нексия-3” русумли, 70 J 873 ВВ давлат рақамли автомашина билан тўқнашиб, чорраҳадан ҳаракатланмоқчи бўлган Ҳамроқулов Шохрух Неъматович бошқарувида бўлган ўзига тегишли “Нексия-2” русумли, 70 G 697 VA давлат рақамли автомашинага урилиб,



йўл-транспорт ҳодисаси содир этиши оқибагида “Нексия-3” русумли, 70 J 873 ВВ давлат рақамли автомашинада йўловчи сифатида кетаётган вояга етмаган Холмуродова Лазиза Жамолиддин қизини ўртача оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 09.04.2024 йилдаги №816/24 Хуж-Хам-сонли хулосасида, вояга етмаган Л.Холмуродованинг танасида қўшма шикастланиш, ёпиқ калла мия шикастланиши, бош миянинг ўрта оғир даражадаги лат ейиши, чап ўмров суягини ўрта қисмидан ёпиқ синиб силжиши, тери ости гематомаси, чап пешона соҳасидаги эзилиб йиртилган лат яраси кўринишидаги жароҳатлар мавжуд бўлиб, ушбу жароҳатлар ўтмас-тўмтоқ жисмлар таъсири натижасига етказилганлиги, оғирлик даражасига кўра, соғлиқни узоқ муддатга, яъни йигирма бир кундан кўп бўлган даврга бузилишига сабаб бўлган ўртача оғир тан жароҳатлар гуруҳига киришлиги кўрсатилган.

Судга оид автотехника экспертизасининг 26.04.2024 йилдаги №29/28(802)13.1 Z1410, 29/28(802)13.2 Z1411, 29/28(802)13.2 Z1412, 29/28(802)13.2 Z1413, 29/28(802)13.3 Z1414, 29/28(802)13.3 Z1415, 29/28(802)13.3 Z1416-сонли хулосасида, “Нексия-1” русумли, 01 W 113 ХА давлат рақамли автомашина ҳайдовчисининг ҳаракатлари амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 31-банди 4-қисми талабларига мос бўлмаганлиги, ушбу йўл-транспорт ҳодисаси оқибагида, “Нексия-1” русумли, 01 W 113 ХА давлат рақамли автомашинага 7.517.920 сўм, “Нексия-3” русумли, 70 J 873 ВВ давлат рақамли автомашинага 15.925.730 сўм, “Нексия-2” русумли, 70 G 697 VA давлат рақамли автомашинага 4.088.560 сўм миқдорида моддий зарар етганлиги кўрсатилган.

Судланувчи Ф.Рахматуллаев суд мажлисида, айбига иқрорлик билдириб, О.Рихсибековга тегишли “Нексия-1” русумли, 01 W 113 ХА давлат рақамли автомашинани ишончнома асосида бошқаришлигини, 2024 йил 29 март куни соат 17 ларда ўзининг бошқарувида бўлган “Нексия-1” русумли, 01 W 113 ХА давлат рақамли автомашинани Қарши шаҳар Кат маҳалласининг А.Навоий ва Ўзбекистон овози кўчалари кесишган чорраҳага келганида светофорнинг яшил чироғи ёнганини кўриб, чорраҳани кесиб ўтмоқчи бўлиб ҳаракатланганида йўлнинг А.Навоий кўчасидан чорраҳа бўйлаб кесиб ўтаётган У.Тўйчиевнинг бошқарувидаги “Нексия-3” русумли, 70 J 873 ВВ давлат рақамли автомашинасини чап ён томонига унинг бошқарувидаги автомашинанинг олд томони билан урилганлигини, шундан сўнг иккалалари йўлни Ўзбекистон овози кўчасидан чиқиб, А.Навоий кўчасига бурилмоқчи бўлиб турган Ш.Ҳамрокуловнинг бошқарувидаги “Нексия-2” русумли, 70 G 697 VA давлат рақамли автомашинага бориб урилганлигини, бунинг натижасига автомашиналарга моддий зарар етганлигини ва “Нексия-3” русумли, 70 J 873 ВВ давлат рақамли автомашина ичида йўловчи сифатида келаётган вояга етмаган Л.Холмуродова тан жароҳати олганлигини, ҳозирги кунда содир қилган ҳаракатидан пушаймонлигини, етказилган



зарарларни тўлаш имконияти йўқлигини, оилавий шароитини, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини баён қилиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ф.Рахматуллаевнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги, ўзининг айбига иқрорлик ва пушаймонлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари:

-вояга етмаган жабрланувчи Л.Холмуродованинг қонуний вакили Ж.Қодиров суд мажлисида, вояга етмаган жабрланувчи Л.Холмуродова қизи эканлигини, 2024 йил 29 март куни Ф.Рахматуллаев томонидан содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида қизи тан жароҳати олганлигини, ҳозирги кунда ҳам даволанаётганлигини, шу сабабли судга келолмаслигини билдириб, қизи Л.Холмуродовани даволаниши билан боғлиқ бўлган моддий зарарлар керак эмаслигини баён қилиб, судланувчи Ф.Рахматуллаевга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб берган кўрсатуви;

-фуқаровий даъвогар Ш.Ҳамроқулов суд мажлисида, 2024 йил 29 март куни соат 17 ларда ўзига тегишли бўлган “Нексия-2” русумли, 70 G 697 VA давлат рақамли автомашинада Қарши шаҳар Кат маҳалласида кредит қарздорлигини йиғиб, касбдоши Ш.Аллаёров билан бирга банкка қайтиш учун Қарши шаҳар “Ўзбекистон овози” кўчасидан ҳаракатланиб келиб, светофорга яқин келганда светофорнинг ҳаракатни тақиқловчи қизил рангли чироғи ёнгани учун тўхтаб турганлигини, шу вақтда А.Навоий кўчасидан У.Тўйчиев “Нексия-3” русумли, 70 J 873 ВВ давлат рақамли автомашинани бошқариб келиб чорраҳага кирган вақтида, “Насаф” автомашина бозори томондан Ф.Рахматуллаев “Нексия” русумли, 01 W 113 ХА давлат рақамли автомашинаси билан чорраҳага кириб келганлигини, ўша вақтда у секинлик билан чорраҳанинг оқ чизиғидан ичкари томон ҳаракатлана бошлаганлигини, шу вақтнинг ўзида чорраҳада “Нексия-3” русумли, 70 J 873 ВВ давлат рақамли автомашина билан “Нексия” русумли, 01 W 113 ХА давлат рақамли автомашина иккаласи тўқлашиб кетганлигини ва улар айланиб уни автомашинасига ҳам келиб урилганлигини, бунинг натижасида автомашинасига 4.088.560 сўмлик зарар етганлигини, лекин судланувчи Ф.Рахматуллаев унинг автомашинасига етказилган зарарни қоплаб бермаганлигини баён қилиб, судланувчи Ф.Рахматуллаевдан автомашинасига етказилган зарарни ундириб беришни сўраб берган кўрсатуви;

-фуқаровий даъвогар О.Рихсибеков суд мажлисида, 2024 йил 29 март куни судланувчи Ф.Рахматуллаев томонидан содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида, унга тегишли “Нексия-1” русумли, 01 W 113 ХА давлат рақамли автомашинага 7.517.920 сўм моддий зарар етганлигини, ушбу зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли, судланувчи Ф.Рахматуллаевга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида берган кўрсатуви;

-фуқаровий даъвогар Х.Тўйчиева суд мажлисида, 2024 йил 29 март куни судланувчи Ф.Рахматуллаев томонидан содир этилган йўл-транспорт



ҳодисаси натижасида, унга тегишли “Нексия-3” русумли, 70 J 873 ВВ давлат рақамли автомашинага 15.925.730 сўм моддий зарар етганлигини, лекин судланувчи Ф.Рахматуллаев унинг автомашинасига етказилган зарарни қоплаб бермаганлигини баён қилиб, судланувчи Ф.Рахматуллаевдан автомашинасига етказилган зарарни ундириб беришни сўраб берган кўрсатуви;

-гувоҳ У.Туйчиев суд мажлисида, 2024 йил 29 март куни соат 17 ларда опаси Х.Туйчиевага тегишли бўлган “Нексия-3” русумли, 70 J 873 ВВ давлат рақамли автомашинада Қарши шаҳар Кат маҳалласи ҳудудидан ўтган Алишер Навоий кўчаси бўйлаб тўғрига ҳаракатланиб кетаётган вақтида, у ҳаракатланиб бораётган А.Навоий кўчасининг Ўзбекистон овози кўчаси билан кесишган чорраҳасига келганида светофорнинг яшил чироғи ўчиб ёниб турганлигини, шу сабабли у тўғрига ҳаракатлана бошлаганлигини, чорраҳанинг ўрталарига келганида уни ҳаракат йўналишида чап томондан Ф.Рахматуллаев “Нексия-1” русумли, 01 W 113 ХА давлат рақамли автомашинани ўз йўналишида бошқариб келиб, уни бошқарувидаги автомашинанинг чап ён қисмига келиб урилганлигини, шундан сўнг иккалалари ҳам чорраҳанинг Ўзбекистон овози йўналишидан Алишер Навоий кўчаси бўйлаб ҳаракатланмоқчи бўлган бурилаётган Ш.Хамроқуловнинг бошқарувидаги “Нексия-2” русумли, 70 G 697 VA давлат рақамли автомашинага бориб урилганликларини, унинг автомашинаси ичида йўловчи сифатида келаётган вояга етмаган Л.Холмуррдова тан жароҳати олганлигини, автомашинасига моддий зарар етганлиги ҳақида берган кўрсатуви;

Гувоҳ Ш.Аллаёров суд мажлисида, фуқаровий даъвогар Ш.Хамроқуловни танишлигини, 2024 йил 29 март куни соат 17 ларда Ш.Хамроқуловнинг бошқарувидаги “Нексия-2” русумли, 70 G 697 VA давлат рақамли автомашинасида йўловчи сифатида келаётганлигини, шу куни Қарши шаҳар Кат маҳалласида кредит қарздорлигини йиғиб, Ш.Хамроқулов билан унинг автомашинасида бирга банкка қайтиш учун Қарши шаҳар “Ўзбекистон овози” кўчасидан ҳаракатланиб келганликларини, Ш.Хамроқулов светофорга яқин келганда светофорнинг ҳаракатни тақиқловчи қизил рангли чироғи ёнгани учун тўхтаб турганлигини, шу вақтда А.Навоий кўчасидан У.Туйчиев “Нексия-3” русумли, 70 J 873 ВВ давлат рақамли автомашинани бошқариб келиб чорраҳага кирган вақтида, “Насаф” автомашина бозори томондан Ф.Рахматуллаев “Нексия” русумли, 01 W 113 ХА давлат рақамли автомашинаси билан чорраҳага кириб келганлигини, ўша вақтда Ш.Хамроқулов секинлик билан чорраҳанинг оқ чизиғидан ичкари томон ҳаракатлана бошлаганлигини, шу вақтнинг ўзида чорраҳада “Нексия-3” русумли, 70 J 873 ВВ давлат рақамли автомашина билан “Нексия” русумли, 01 W 113 ХА давлат рақамли автомашина иккаласи тўқлашиб кетганлигини ва улар айланиб Ш.Хамроқуловни автомашинасига келиб урилганлиги ҳақида берган кўрсатуви;



-гувоҳ Р.Хидиров суд мажлисида, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Қашқадарё вилоят бўлимида суд эксперти бўлиб ишлашлигини, тергов органининг қарорига асосан экспертиза ўтказганлигини, 2024 йил 26 апрель куни №29/28(802)13.1 Z1410, 29/28(802)13.2 Z1411, 29/28(802)13.2 Z1412, 29/28(802)13.2 Z1413, 29/28(802)13.3 Z1414, 29/28(802)13.3 Z1415, 29/28(802)13.3 Z1416-сонли хулосаси берганлигини, экспертиза хулосасида “Нексия-1” русумли, 01 W 113 ХА давлат рақамли автомашина ҳайдовчисининг ҳаракатлари амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 31-банди 4-қисми талабларига мос бўлмаганлиги кўрсатилганлигини, бунга сабаб ушбу воқеа тушган видеода йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгандан сўнг “Нексия-3” русумли, 70 J 873 ВВ давлат рақамли автомашина ҳаракатланиб келган йўналишга светофорнинг қизил чироғи ёнганлиги ҳақида берган кўрсатуви;

-бундан ташқари, судланувчи Ф.Рахматуллаевнинг айби, билдирги, маълумотнома, 2024 йил 29 март кунидаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақида баённомаси ва унга илова чизма, фотосуратлар, тушунтириш хатлари, судга оид тиббиёт экспертизасининг 09.04.2024 йилдаги №816/24 Хуж-Хам-сонли хулосаси, судга оид автотехника экспертизасининг 26.04.2024 йилдаги №29/28(802)13.1 Z1410, 29/28(802)13.2 Z1411, 29/28(802)13.2 Z1412, 29/28(802)13.2 Z1413, 29/28(802)13.3 Z1414, 29/28(802)13.3 Z1415, 29/28(802)13.3 Z1416-сонли хулосаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақида қарор, сўроқ қилиш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар мажмуи билан ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан Ф.Рахматуллаевнинг жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

-8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амалга қилишга қаратилиши;

-3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши,



жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Ф.Рахматуллаевга нисбатан жазо тайинлашда, қайд қилинган қонун талабларига ҳамда Олий суд Пленуми қарорининг тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи Ф.Рахматуллаевга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, айбига иқрор ва пушаймонлигини, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, муқаддам судланмаганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг ҳаракатида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолаб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топишни, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган жойларда ўтатиришни, унга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Суд, судланувчи Ф.Рахматуллаев томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини инобатга олиб, унга нисбатан юқорида қайд этилган Олий Суд Пленуми қарорининг 40-бандидаги тушунтиришига амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан яъни, барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, фуқаровий даъвогар О.Рихсибековга етказилган зарар қопланганлигини қайд қилишни, судланувчи Ф.Рахматуллаевдан фуқаровий даъвогар Ш.Хамроқуловнинг фойдасига 4.088.560 сўм, фуқаровий даъвогар Х.Тўйчиеванинг фойдасига 15.925.730 сўм ундиришни, вояга етмаган жабрланувчи Л.Холмуродова ва унинг қонуний вакили Ж.Қодиров, фуқаровий даъвогар Ш.Хамроқулов, О.Рихсибеков ва Х.Тўйчиеваларга бошқа етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, фуқаролик судлови тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқини очикда қолдирилганлигини қайд қилишни лозим топди.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Рахматуллаев Фазлиддин Пардаевич(Rahmatullaev Fazliddin Pardaevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси



1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Ф.Рахматуллаевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга муайян ҳуқуқдан яъни, барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасига асосан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазонинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ички ишлар органлари белгилаб берган жойларда ўтатирилсин. Жазо ижросини назорат қилиш Нишон тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси зиммасига юклатилсин. Жазо муддати унинг иш ҳақидан белгиланган фоиз суммаси давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ф.Рахматуллаевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Фуқаровий даъвогар О.Рихсибековга етказилган зарар қопланганлиги қайд қилинсин.

Судланувчи Ф.Рахматуллаевдан фуқаровий даъвогар Ш.Хамроқуловнинг фойдасига 4.088.560 сўм, фуқаровий даъвогар Х.Тўйчиеванинг фойдасига 15.925.730 сўм ундирилсин.

Вояга етмаган жабрланувчи Л.Холмуродова ва унинг қонуний вакили Ж.Қодиров, фуқаровий даъвогарлар Ш.Хамроқулов, О.Рихсибеков ва Х.Тўйчиеваларга бошқа етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, фуқаролик судлови тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқини очиқда қолдирилганлиги қайд қилинсин.

Ашёвий далил - 1 дона диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томон, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва қонуний вакил эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, 10 сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят келтиришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

З.Жумаев

